

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ: НАЗАРИЯ, АМАЛИЁТ,
МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Тошкент – Иқтисодиёт – 2009

Иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш йўллари: назария, амалиёт, муаммолар ва истиқбол. Илмий-амалий анжумани мақола тезислари тўплами.
Т.: Иқтисодиёт, 2009. -220 б.

Ушбу мақолалар тўплами ўзида иқтисодий таълимнинг самарадорлигини ўзбекистон шароитида ошириш йўллари борасида мутахассис олимлар – назарийчи, амалиётчиларнинг фикр-мулоҳазаларини мужассам этган. Унга киритилган мақолалар асосан Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган “Иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш йўллари: назария, амалиёт, муаммолар ва истиқбол” мавзусида республика илмий-амалий анжуманидаги маърузаларнинг қисқача баънидир. Конференция кун тартибига киритилган масалаларнинг ечимидан кўзилган мақсад эса Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан унинг амалиётдаги изчил бажариллигини таъминлаш вазифалари доирасида иқтисодий таълимнинг самарадорлигини таъминловчи омилларнинг назарий, амалий ва татбиқий масалалари борасидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалаларига жамоатчиликнинг диққатини қаратишдир.

Тўпلامдан қўлланма сифатида касбий таълим йўналишида тахсил олаётган бакалавр ва магистратура босқичидаги иқтисодчи-талабалар, иқтисодиётга йўналтирилган касб-хунар коллежларининг педагоглари, аспирантлар, шу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир п.ф.д. проф. Каримова В.М.

Тахрир хайъати:

Ходиев Б.Ю. – иқтисод фанлари доктори, профессор
Махмудов Н.М. - иқтисод фанлари доктори, профессор
Каримова В.М. - психология фанлари доктори, профессор
Иватов И. - иқтисод фанлари доктори, профессор
Ибрагимова Г.Х. - педагогика фанлари доктори
Хошимова М. К. - педагогика фанлари номзоди, доцент
Файзуллаева Н. - педагогика фанлари номзоди, доцент
Хайитов О.Э. - психология фанлари номзоди, доцент

Тўпламга киритилган мақолалардаги маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар.

ISBN 978-9943-333-16-1

© Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.
© Иқтисодиёт, 2009.

ТОИФ
kutubxonasi

МУЎЦАРИЖА

	Кириш	9
Ходиев Б.Ю.	Освоение педагогических технологий как главное направление реформирования экономического образования	10
Гуломов С.С., Гойибназаров Б.К.	Иқтисодий-иқтисомий ривожланишда фан ва таълим интеграцияси	12
Болтабоев М.Р.	Иқтисодий таълим ва тарбиянинг муҳим йўналишлари	15
Каримова В.М., Юсупова С.П.	Гендер менежмент ва иқтисодий таълим муаммолари	17
Алимов А.М.	Ёшларни иқтисомий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, бандлик ва талбиркорликка қўмаклашишда “Қамолот”нинг ўрни	20
Маматов А.А.	Иновационное развитие вузов в Республике Узбекистан	21
Бабашев Ф.А.	Булажак иқтисодчи-педагог кадрлар маънавиятини юксалтиришнинг ўзига хос хусусиятлари	25
1-шўъба. Жаҳон молиявий- иқтисодий вилкризи шароитида иқтисодиётни ривожлантиришда иқтисодчи-педагог кадрлар салоҳияти муаммолари.		
1. Абдиев А., Холдиев Ш.	Ислохот – иқтисомий барқарорлик гаровидир	28
2. Абдуллаева Р., Солиев Ж.	Таълим самарадорлигига таъсир этувчи омиллар	29
3. Аллаберганов З.Г.	Иқтисодий таракқиётни таъминлашда ҳуқуқ илмининг роли	31
4. Акрамова Ф.А., Таджибаева С.А.-Н.	Иқтисодий таълим-тарбия масалаларида И.А. Каримов асарларидан фойдаланиш	32
5. Жебрак С.	Совершенствование экономического образования в вузах	34
6. Зиявигдинова Н.М.	Социально-экономическая природа инновационной политики в образовании	35
7. Сафаров Л.С.	Некоторые проблемы формирования профессионализма будущих экономистов	37
8. Сейтхалилов Э.А., Сагадова М.А.	Межпредметная интеграция как метод обеспечения эффективности образования	39
9. Тожиёв М., Зиёмухаммадов Б.	Иқтисодий таълим муассасалари ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш	41
10. Улугова Ш.М.	Талаба-қизларнинг бозор иқтисодиёти шароитида мослашувида жараёнини психологик механизмлари	43

87.	Хонкулова Н.Х.	Иктисодчи педагоглар тарбиясида фаолиятнинг ўрни ва зарурияти	Ўқитувчи	186
88.	Худойбердиева Д.В.	Бозор иктисодиёти шароитида таълимнинг ахамияти	иктисодий	188
89.	Чориев А.	Дидактик қонуниятлар – иктисодий таълим жараёнининг методологик асоси	таълим	190
90.	Чориева Н.	Турли ўқув фанлар таркибида талабаларда иктисодий тушунчаларни ҳосил қилиш	таълим	191
91.	Чулпонова Х.Т.	Бўлғуси иктисодчи-педагогнинг ўқув фаолиятини бошқариш	таълим	193
92.	Шайхова Х.А. Тиллаева Г.	Ўзбекистонда баркамол авлоднинг шакллантиришининг акмеологик жиҳатлари	таълим	194
93.	Шарафутдинова Х., Бердиева М.	Иктисодий таълим жараёнида ақлий қобилият психокоррекцияси	таълим	196
94.	Шомуротова Н.Н., Ашурова Н.	Иктисодиёт олийгоҳлари ўқув жараёнида инновацион таълим воситасида билиш жараёнларини фаоллаштириш	таълим	198
95.	Шерматова М.А.	Иктисодий таълим самарадорлигини ошириш йўллари, назария, амалиёт ва муаммолар истиқболлари	таълим	200
96.	Эргашев Б., Мадаминов Х.	Иктисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларни менежерлик фаолиятига тайёрлаш	таълим	202
97.	Эргашева Г.	Бўлажак иктисодчи мутахассисларда бошқарув хусусиятларини шакллантиришга хизмат қилувчи самарали усуллар	таълим	203
98.	Юлдашев О.Т.	Солиқ имтиёзлари ердамида фан соҳасини рағбатлантириш	таълим	205
99.	Юлдашева М.Х.	Иктисодчи-педагог шахсида мулоқот маданиятини шакллантириш	таълим	206
100.	Юнусова Н.Х.	Народная педагогика – совокупные педагогические знания и воспитательный опыт народа	таълим	208
101.	Мустафакулов Ш.И., Ҳамидов Н.Н.	Иктисодий таълим йўналишида талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил фаолиятлари ҳамда турли тренингларни ташкил этишининг истиқболлари	таълим	209
102.	Мажидов Р.Р.	Олий таълим муассасалари таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш	таълим	211
103.	Бузрукханов С.	Активизация инновационных процессов в научно-предпринимательской деятельности вузов	таълим	214
104.	Солиев А. Иватов И.	Обеспечение условий развития инновационной деятельности в системе подготовки специалистов с высшим образованием	таълим	216

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш суръатлари йил сайини такомил топиб бормоқда. Ушбу дастурга киритилган вазифаларнинг сифат босқичига ўтиш, аввало, олий ва ўрта махсус касб-ҳунари таълими тизимида таҳсил олаётган талабалар билим ва малакаларига шундай талаблар қўядики, улар ишлаб чиқаришнинг қайси соҳасида фаолият юритмасини, Ватан тараққиёти, юрт равнақи ва халқ фаровонлигига астойдил хизмат қиладиган, фидойи, профессионал касб эгалари бўлишлари лозим.

Зеро, юртбошимиз Ислом Каримовнинг қатор асарларида, жумладан, «Оқсак маънавият – енгилмас куч», «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарларида таъкидланган оламшумул вазифалар олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган ҳар бир педагог-олим олдига юксак маънавиятли шахсларни профессионал, ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш, уларни касб сир-асрорларидан тўла бохабар қилишни тақозо этади.

Иктисодиёт йўналишида кадрлар тайёрлаётган олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, аввало, талабаларга жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари ва таъсир оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар бериш билан биргаликда Ўзбекистоннинг шароитини инобатга олган ҳолда унинг салбий таъсири, оқибатларининг олдини олиш йўллари, мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуқлари, уларни таъминлаш манбалари, ўзига хос жиҳатлари тўғрисида маълумотлар беришда энг илғор педагогик ва инновация технологияларидан фойдалана олишлари, янада таъсирчан ўқитиш услубларини яратишлари шарт.

Мазкур илмий мақолалар тўпламида айнан иктисодий таълим йўналишида кадрлар тайёрлаётган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари олимлари ва иқтидорли ёшларининг ушбу таълим тармоғи самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари борасидаги тадқиқотлари натижалари, илмий тавсия ва хулосалари мужассам этилган. Уларнинг мазмунидан ушбу йўналишда қўлга киритилган муваффақиятлар билан бир қаторда, олдимизда турган муаммолар ва уларнинг ечимини хусусидаги фикрларни ҳам англаш мушкул эмас. Ўйлаймизки, тўпلامдан ўрин олган мақолаларнинг муаллифлари ўз илмий-амалий фаолиятлари билан юртимизда иктисодий таълимнинг юқори сифатли ва самарали бўлишига ўз хиссаларини қўшадилар.

мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси янада катта ахамият касб этади. Шу нукта назардан биз таянган тадқиқот мавзун ўта долзарб хисобланади.

Доц. Н.Х. Юнусова,
ТМА

Народная педагогика – совокупные педагогические знания и воспитательный опыт народа

Народная педагогика – составная и неотъемлемая часть общей духовной культуры народа. Народная педагогика возникла в глубокой древности, она исторически предшествовала научной педагогике и влияла на её ранние формы. Анализ истории древней педагогической мысли народов Средней Азии показывает, что первые социальные памятники педагогики появились под прямым воздействием народной педагогической культуры. Исследователи педагогической мысли убедительно доказали взаимовлияние и взаимообусловленность официальной и народной педагогики, которые дополняют и обогащают друг друга.

Анализ наследия Ибн Сины, Беруни, Джамии, и других просветителей показывает, что их идеи о воспитании и обучении тесно переплетаются с идеями и мыслями, выраженными в памятниках народной педагогики: в поговорках, пословицах, преданиях. Прогрессивные демократические идеи великих ученых перекликаются по форме и содержанию с идеями народной мудрости, поэтому они оказали влияние на формирование педагогической культуры народов Средней Азии, сохраняя актуальность до наших дней. Если сделать сопоставительный анализ творчества великих мыслителей и народного взгляда на обучение и воспитание, то можно увидеть их единство, преимущественно в виде легко запоминающихся афоризмов.

Научные исследования по проблеме народной педагогики свидетельствуют, что изучение народного опыта воспитания и обучения как социально-исторического феномена на всех этапах исторического развития вошло в круг научных интересов педагогов прошлого и настоящего «мудрость предков – зеркало для потомков». Народная педагогика – это средоточие духовной жизни народа. В народной педагогике раскрываются особенности национального характера, лицо народа!

Народная педагогика не только система, сколько сумма знаний, умений, она характеризуется совокупностью навыков и приемов, применяемых народом в целях формирования личности в определенном направлении. Когда речь идет о народной педагогике, то имеется в виду не педагогическая теория, а педагогическая практика. Из этого следует, что совокупность народного взгляда, применяемых народом средств воздействия в целях обучения и воспитания следует называть народной педагогикой.

Народная педагогика, будучи предшественницей научной педагогики, в гносеологическом, историческом, логическом, структурном отношении имеет

своеобразные характерные особенности. Анализируя содержание и формы памятников народной педагогики можно выделить её отличительные черты. Народная педагогика исторически сложилась в глубокой древности, она существует столько времени, сколько существует сам народ. В эпоху среднеазиатской античности уже были известны образцы художественного народного творчества. Искусство слова, родившееся в глубокой древности воплотилось в народном творчестве – легендах, эпосе и других памятниках народной педагогики. Основой народной педагогики является наивно-реалистическое и стихийно – материалистическое воззрение народной философии.

Следующая характерная черта народной педагогики, это коллективность её творческих основ, народные эпосы в большинстве анонимны, каждый «творец» чем-то дополнял или изменял услышанное, но традиционно передавалось лишь то, что интересно всем, запоминалось то, что творчески наиболее удачно. Народная педагогика имеет чрезвычайно широкую аудиторию. Памятники народной педагогики, народное творчество замесили молодежи театр, которого она не знала; школы, куда её не пускали; книгу, которой она была лишена.

Самой действенной чертой народной педагогики является связь с жизнью, с практикой обучения и воспитания. Опираясь на народную педагогику – теоретики и практики создали современные концепции воспитания и обучения всесторонне развитой личности, которые постоянно совершенствуются в соответствии с требованиями.

Доц. Ш.И. Мустафакулов,
И.Н.Хамидова,
ТДИУ

Иқтисодий таълим йўналишида талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил фаолиятлари ҳамда турли тренингларни ташқил этишининг истиқболлари

Давлатнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётин зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирозни хукм сураётган айни даъда, унинг таъсирини пасайтириш мақсадида “Инқирозга қарши чоралар дастури” асосида амалга оширилаётган пухта ўйланган иқтисодий – ижтимоий сиёсат натижасида Республикамиз иқтисодиётида сезиларли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, “... ишлаб чиқаришни модернизация этишиш, техник янгилаш ва диверсификация этишиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш—Ўзбекистон учун инқирозни

баргараф этиш ва жaxon бозорда янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлдир»¹¹.

Иктисодий таълимни такомиллаштириш учун бизнингча куйидаги карашларга эътибор қаратиш лозим. Аввало, иктисодчиларнинг стук мутахассис бўлиб етишишлари учун уларнинг илмий тадқиқот ишлари билан шугулланишларида ахборот – ресурс таъминотини янада ривожлантириш зарур. Чунки иктисодий тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқадиган натижаларни аниқ ва равшан баён этиш учун воқеликни аниқ сабабий боғлиқликда таҳлил этиш, хозирги ҳолат кўрсаткичлари билан таққослаган ҳилда, ҳулосалар яшаш муҳим аҳамият касб этади. Шунда тадқиқотнинг амалиётга яқинлиги ошади ҳамда уни тағбиқ этилиши натижасида самарадорликнинг ошиши вужудга келади.

ТДИУ томонидан тўрт йилдан бери ташкил этиб келинаётган “Биринчи курс мактаби” семинар - тренинги бунинг яққол мисолидир. Биринчи курсга қабул этишинган талабалар учун бу каби тренинглари ташкил этишдан асосий мақсад - иштирокчиларда аудиторик ва аудиториядан ташқари машғулотларда умумий ўқув кўникмалар ва мустақил фаолият малакаларини шакллантиришдан иборат.

Бу тренинглardan иштирокчилар умумий ўқув кўникмалари ва мустақил фаолият малакаларини эгаллаш натижасида: университет ресурс марказида ахборотлари қидириб топиш малакаларига эга бўладилар; илмий адабиётларни ўқиш ва ахборотни белгилаш малакаларига эгаллайдилар; мустақил фаолият натижаларини: режа, конспект, асосли эссе, рефератларни белгиланган талабга мувофиқ ёзма тақдим этиш йўл ва воситаларини эгаллайдилар; мустақил фаолият натижаларини оғзаки тақдим этиш: маъруза ва сўзга чиқиш вақтида шу билан бирга ўқув топширикларини бажариш натижалари бўйича тақдимотда, ўзини ишончли тутиш, турли кўргазма воситаларидан фойдаланишнинг йўл ва воситаларидан фойдаланишни ўрганадилар; таҳлилий ахборотларни кўргазмали тақдим этиш: ахборотни таркиблантириш ва таркибга бўлиш, таҳлил этиш ва таққослаш бўйича, ўрганилаётган тушунчалар (юзага келиш, ходиса, мавзу ва б.) ўртасидаги алоқа ва ўзаро алоқани ўрнатиш, муаммони ечишни режалаштиришда: кластер, тоифалаш ва концептуал жадвал, «Венна» диаграммаси, «Нима учун?», «Балик скелети», «Қандай?», «Погона (каскад)», «Пирамида», «Нилуфар гули» каби воситалардан фойдаланиш орқали ўқув топширикларини бажаришнинг йўл ва воситаларини билиб оладилар.

Ўқувчи талабалар билан ўзаро ўқув ҳаракатининг ташаббускори бўлади, ўз нукта назаридан келиб чиққан ҳолда ўзаро келишувга келадилар, суҳбатга киришадилар, саволлар берадилар, асосли жавоблар берадилар. Қондага рияз этишган ҳолда баҳс олиб борадилар, мунозара-тортишувда, тўғарақ стол

¹¹ Каримов И.А. Жалли илмийвий - иктисодий инқироз, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Тошкент 2009. 2 б.

атрофида иштирок этадилар; гуруҳли ўзаро ҳаракатга тайёргарлик ўқув топширикларини бажариш бўйича гуруҳли фаолиятни жамоавий режалаштириш, биргалиқда, ҳамкорликда, иш бўйича ҳамкорий муомала ва ўзаро ҳаракат, ўзаро ёрдам ва ўзаро бахлашни намоён этишадилар; университет тарихи, анъаналари ҳамда талабанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишадилар.

Юкорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда мустақил таълимнинг алоҳида ўрни мавжуддир. Мустақил таълим, узлуксиз таълимнинг давлат миқёсидаги муҳим вазифаси сифатида қаралаётган бир пайтда, жамиятимизнинг босқичма-босқич ривожланишини ҳал этишувчи томонларидан бирдир. Бу кечиктириб бўлмас даражада республикамиздаги таълим муассасаларининг вазифасини айрим қисмларини қайта кўриб чиқишни, шу асосда мустақил этиш таълимни ривожлантиришни тақоза этади. Таълим олувчилар мустақил таълим жараёнида олган билимлари ҳисобига бундан кейин доимо ўз савияларини ва малака, кўникмаларини мукамаллаштириб борадилар.

Бундай ҳолатда мустақил таълим шахснинг ишида, ўқишида, шахсий ҳаётида ва турли соҳалардаги ҳаётни лавҳаларида ўз имкониятларини тўла амалга оширишларига ҳамда жамиятга кўпроқ фойда келтиришларига хизмат этишади. Умуман, таълим жараёнида мустақил фаолиятнинг элементларидан фойдаланиш ўқув жараёнини бойитишга, талабалар чуқур билим олишни таъминлашга, фикрлаш қобилиятини ўстириш ва кенгайтиришга ҳамда таълимнинг асосий мазмунли қисмини мустаҳкамлашга хизмат этишади.

Р. Р. Мажидов,
ТДИУ

Олий таълим муассасалари таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш

Ўзбекистон ўз истиклол ва таракқиёт йўлидан ривожланиб, халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Давлатимизнинг мустақил таракқиёт йўлини таъминлаш учун ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий ва маърифий соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият ва инсон манфаатига қаратилган бу ислохотларнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир.

Инсоният турмуш тарзининг ривожланиши янги-янги кашфиётларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Инсон янгилик яратиш жараёнида ҳар хил тўсиқларга дуч келади ва шу тўсиқларни енгиб ўтиш мобайнида яна янги ихтиролар вужудга келавради. Лекин ҳаёт тажрибаларидан маълумки, кўпинча янги кашфиёт маълум бир муаммони ҳал этишиш жараёнида юзага келади.

Биз сўзсиз компьютернинг яратилишини XX асрнинг буюқ кашфиётларидан бири десак янглишмаймиз. Давр талабига кўра бугунга келиб компьютер технологияси жуда ривожланиб кетди. Маълумотларни бошқариш, айниқса, хозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумотларини